

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг
тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя
этилишини назорат қилиш бўйича комиссия йиғилиш
Б А Ё Н И**

2018 йил «08» июнь

7 - сон

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:	Б.Сагдуллаев	- Агентлик бош директори ўринбосари, Одоб-ахлоқ комиссияси раиси
Қатнашганлар:	А.Ахмедова	- Агентлик Касаба уюшмаси кўмитаси раиси
	Г.Кенжаахунова	- Кадрлар бўйича инспектор
	А.Юлдашов	- Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Агентлик БТ етакчиси
	Г.Юсупханова	- Агентликнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича координатори (котиб)
	Н.Аничкина	- Агентлик қошидаги Ўқув маркази Касаба уюшмаси раиси
	В.Баратова	- Агентлик қошидаги Ўқув маркази юридик хизмат ходими

КУН ТАРТИБИ:

1. Бош прокуратура томонидан 2018 йил 7 июнь куни ўтказилган коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро Комиссиясининг навбатдаги йиғилиши тўғрисида.

2. Давлат дастури ижроси юзасидан Интеллектуал мулк агентлигида коррупцияга қарши курашишга қаратилган “Коррупцияга қарши курашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси роли” мавзусида Ўқув-семинар ўтказилиши тўғрисида.

3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан “Давлат органлари ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиниши мониторингини ўтказиш услубиёти” лойиҳасининг кўриб чиқилиши тўғрисида.

(Сагдуллаев, Кенжаахунова, Ахмедова, Юлдашов, Юсупханова, Аничкина, Баратова, Сагдуллаев)

Кун тартибидаги дастлабки масалалар бўйича Агентлик бош директори ўринбосари, Одоб-ахлоқ комиссияси раиси Б.Сагдуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги ПҚ-2752-сон қарори билан тасдиқланган “2017-2018 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури” ижроси юзасидан Бош прокуратура томонидан 2018 йил 7 июнь куни коррупцияга қарши курашиш бўйича

республика идоралараро Комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилганлигини айтиб ўтди.

Ушбу йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Бош директори Давлат дастури ижроси юзасидан Агентликда амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот тақдим қилди ва йиғилиш натижаси юзасидан ўрнатилган тартибда топшириқлар ижросини таъминлиши лозимлиги ҳақида кўрсатма берди.

Ўз навбатида Агентликнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича координатори Г. Юсупханова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги ПҚ-2752-сонли қарори билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида белгиланган Коррупция ҳолатларини олдини олиш, унинг сабабларини аниқлаш ва у билан курашишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш бўйича Агентлик ва 2017 йил 1 июнь куни Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган. Бунда ҳамкорлик доирасидаги масалаларни ўрганиш бўйича малакали мутахассисларни жалб қилиш, ҳамкорлик соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва механизмларни такомиллаштиришга, коррупцияни олдини олиш бўйича тадбирлар ўтказиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, қонун ҳужжатлари юзасидан аҳоли ўртасида кенг қамровли ҳамкорлик ишларини амалга ошириш, ҳамкорликда тадбирлар ташкил этиш ва ўтказиш белгиланганлигини таъкидлади.

Шунингдек, Комиссия аъзоси А. Юлдашов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сон Қарори билан тасдиқланган 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг ижроси юзасидан Интеллектуал мулк агентлигида Коррупцияга қарши курашишга қаратилган жорий йилнинг 17 январидан тасдиқланган Ўқув-семинарлар режасига мувофиқ 2018 йилнинг 2-чорагида Ўқув-семинарлар режасига мувофиқ йиғилиш ўтказиш лозимлигини айтди.

Ўз навбатида кадрлар бўйича инспектор Г.Кенжаахунова Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг 26-банди ижроси юзасидан ишлаб чиқилган “Давлат органлари ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиниши мониторингини ўтказиш услубиёти” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тассаруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича комиссия аъзолари томонидан ўрганиб чиқилганлигини ва ушбу лойиҳага нисбатан ўз таклиф ва эътирозлари йўқлигини ҳамда бу ҳақда 01-06/1539-сон хат Бош прокуратурага жорий йилнинг 7 июнида юборилганлигини айтиб ўтди.

Мазкур комиссия аъзолари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан эътирозлар билдирилмади.

Комиссия раиси Б.Сагдуллаев мазкур комиссия иш фаолиятида самарадорликни таъминлаш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, иш

жамоасида ўзаро ҳурмат ва белгиланган одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий риоя қилишликни таъминлаш мақсадида комиссия йиғилишидаги кун тартибига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини билдирди.

Кўрилган масала бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар муҳокамаси асосида **қарор қилинди:**

1. Бош прокуратура томонидан 2018 йил 7 июнь куни коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро Комиссиясининг навбатдаги йиғилиш натижасига кўра берилган топшириқлар қабул қилинсин ва сўзсиз таъминлансин. (масъул – Г.Юсупханова).

2. “Коррупцияга қарши курашишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасининг роли” мавзусида Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказидан мутахассис жалб қилган ҳолда Ўқув-семинари ташкил қилинсин (масъул – А. Юлдашов).

3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан “Давлат органлари ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиниши мониторингини ўтказиш услубиёти” лойиҳаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

4. Мазкур йиғилиш қарори ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Комиссия раиси



Б.Сагдуллаев

Котиб

Г. Юсупханова